

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ДИАГНОСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Ziroat Anvarovna Xolmatova

*Qo`qon davlat pedagogika instituti dotsenti*

*203-guruh talabasi Abduraxmonova Zaxro*

*203-guruh talabasi Jamolxonov Kamolxon*

**Annotatsiya:** Pedagogik diagnostika o‘quv jarayonini innovatsion tashkil etishda katta ahamiyatga ega bo‘lib, jamiyatning har tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalash maqsadiga muvofiq ta’lim jarayonini innovatsion tashkil etishda pedagogik diagnostikadan foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish bilan tavsiflanadi

**Kalit so`zlar:** ta’lim, jarayon, diagnostika, pedagogik diagnostika, pedagogik texnologiya, raqobat, natija, tashxis, faoliyat, pedagogik yangilik

**Аннотация:** Педагогическая диагностика имеет большое значение в инновационной организации образовательного процесса и характеризуется совершенствованием механизмов использования педагогической диагностики в инновационной организации образовательного процесса в соответствии с целью общества воспитать всесторонне развитую личность

**Ключевые слова:** образование, процесс, диагностика, педагогический диагноз, педагогическая технология, конкуренция, результат, диагностика, деятельность, педагогическая инновация

**Abstract:** Pedagogical diagnosis is of great importance in the innovative organization of the educational process and is characterized by the improvement of the mechanisms

of using pedagogical diagnostics in the innovative organization of the educational process in accordance with the society's goal of educating a well-rounded person.

**Key words:** *education, process, diagnosis, pedagogical diagnosis, pedagogical technology, competition, result, diagnosis, activity, pedagogical innovation*

Бугунги кунда таълим тизими фаолиятини инновацион такомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда, уни замон талаблари асосида модернизация қилиш ишлари жорий этилмоқда. Мамлакат таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги ўта муҳим ижтимоий-сиёсий мақсаднинг умумий назарий ҳамда ҳаётга татбиқ этиш асослари, педагоглар фаолиятини янги кўламда ташкил этиш масалалари ишлаб чиқилмоқда

Таълим тизимида педагогик диагностикани амалга оширишда диагностика тузилмаси, уни ташкил этишнинг асосий талабарини белгилаб берувчи қоидалар, таълим самарадорлигини аниқлаш ва таълимий мақсадларнинг қуйилганлиги, таҳсил жараёнлари иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ташхислаш сингари умумий ва хусусийларга бўлинади.

**Ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштиришга хизмат қилувчи педагогик диагностика ҳар бир режали ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланиб, таҳсил олувчи ўқув материалини қандай ўзлаштираётганини доимо қузатиб боради, тарбиявий жараёндаги муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қиласди. Моҳир педагог ўқув жараёнида туғиладиган қийинчиликларни бошқалардан кўра яхшироқ тушунади.**

**Машғулот ўтказиладиган шароитлардан қатъи назар, ўқув жараёнининг самарадорлигига хизмат қилувчи диагностика қуидаги мақсадларга йўналтирилиши керак:**

- **таълим натижаси нотўғри баҳолангандаги ички ва ташқи таҳрирга;**
- **таълимдаги камчиликларни аниқлашга;**
- **таълимнинг муваффақиятли натижаларини тасдиқлашга;**

- ўқув жараёнининг кейинги босқичларини режалаштиришга;
- таълим-тарбиядаги муваффақиятларни рағбатлантириш орқали мотивация пайдо қилишга ва кейинги мураккаб қадамларни йўналтиришга;
- ўқув-тарбиявий шароитларни яхшилашга.

Америка қўшма штатлари мълумотномаларининг бирида педагогик диагностика вазифаларига йирик боблар учун ўрин ажратилган: таълим жараёнида услубий ёрдам кўрсатиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув масканидаги ижтимоий педагог маслаҳати, тарбиявий жараёнда таълимнинг ўрнини аниқлашдан иборат[ ]. Демак, илмий асосланган педагогик диагностика ўқув-тарбиявий жараённинг мазмунини бойитишга хизмат қиласи.

Шу билан бир қаторда таълим сифатини ташхислаш учун қуидагиларни аниқлаш талаб этилади:

- амалда кўлланилаётган ўқув дастурларининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- методик ҳамда ташкилий инновациялар;
- мазкур инновацияларнинг ўқитиш натижаларининг сифати ва битиравчиларнинг билимдонлик даражасига кўрсатадиган таъсири;
- ўқув жараёнининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси;
- таълим муассасасининг турли бўғинлари фаолияти мақсад ва вазифаларининг ўзаро мувофиқлиги;
- ўқитиш концепциялари, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар мазмuni орасидаги ўзаро узвийлик;
- педагогик, методик, бошқарув соҳасидаги ахборот тармоқларининг самарадорлиги, уларни оммалаштириш ва фойдаланиш учун қулайлиги ва ишончлилиги;
- фанлар бўйича таълим сифати баҳоланишини таъминловчи квалиметрик, ташхислаш методикаларининг ўқитувчилар тажрибасида фойдаланилганлиги ва синовдан ўтказилганлиги кабилар.

Таълим сифатини аниқлашда таълим муассасасининг методик қувватини ташкил этувчи кўрсаткичлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан:

- аввалги йилларда тузилган ўқув дастурлари;
- таълим муассасасида ишлаб чиқилган методик ҳамда дидактик материаллар;
- синовдан ўтказилган ўргатувчи ва ташхисловчи методикалар;
- инновацион ғоялар банки;
- методик ишларнинг ташкилий шакллари, илгор тажрибаларни аниқлаш, танлаш, умумлаштириш ва оммалаштириш кабилар.

Таълим сифатини ташхислашда информацион-методик ҳамда таълимий-технологик манбаларни таҳлил қилиш ҳам алоҳида қимматга эга. Унинг асосий кўрсаткичлари:

- эксперт хулосалари;
- назорат ва текшириш натижаларини ифодаловчи материаллар;
- йиғилишлар, кенгашларнинг материаллари;
- методик семинарларнинг материаллари кабилар.

Таълим сифатини ташхисланда моддий-молиявий манбаларни ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда зарур. Мазкур манбалар сирасига:

- таълим муассасасида амалга ошириладиган алоҳида тадбирларни молиялаштириш манбалари;
- қабул қилинган меъёрлар ва талабларга мос тарзда ўқув материаллари мазмунига мувофиқ келадиган моддий-техник базанинг тавсифи;
- таълим муассасасидаги ўқув хоналарининг компьютерлар, аудио, видео-визуал техникалар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги;
- таълим муассасасининг ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлиги;
- таълим муассасасининг спорт майдончалари, заллари, инвентарлари билан таъминланганлиги;

- таълим муассасасининг моддий-техник базани кенгайтиришга йўналтирилган режаси;
- таълим жараёни сифатининг ўқув жараёни сифати натижалари билан мос келишининг таъминланганлиги;
- таълим муассасасида масофавий таълимни жорий этиш учун моддий-техник базанинг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

**Бугунги кунда педагогик диагностиканинг тамоилилларини такомиллаштиришда ёшларнинг шахсиятига заар қелтирмаслик, уларнинг педагогик даҳлсизлигини таъминлаш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар орқали уларга ижобий таъсир қўрсатиш инобатга олиниши зарур.**

#### Foydalaniłgan adabiyotlar

1. Abdullayeva Sh. A. Pedagogik diagnostika-T.: Fan, 2005, 256 b.
2. Weiner B, Theorien der Motivazion. Stuttgart: Klett 1996 p.
3. Ingenkamp Karlxayns. Pedagogicheskaya diagnostika. - M: Pedagogika, 1991, 240 s.
4. Abdullayeva Sh. A. Pedagogik diagnostika.-Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2010, 256 b.
5. Z. Kholmatova. EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS), 103-106. 2021. Method organization of project management and future pedagogues and basic skills of tutors
6. Холматова, З. А. "Этапы формирования культуры диалогических отношений у учащихся начальных классов." *Педагогическое образование и наука* 3 (2016): 132-135.
7. Холматова, Зироат Анваровна. "Роль педагогического опыта и социального генеза в анализе мотивов культуры общения и поведения молодежи." *Молодой ученый* 11 (2013): 672-674.

8. Anvarovna, Kholmatova Ziroat. "Training Technologies-guarantee of Sustainable Development of Uzbekistan." *International Journal on Orange Technologies* 2.10: 105-107.
9. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhan. "CORRECTIONAL AND PEDAGOGICAL WORK SYSTEM OF AUDITORY-SPEECH REHABILITATION OF CHILDREN WITH COCHLEAR IMPLANTS." *International Journal of Early Childhood Special Education* 14.6 (2022).
10. Komiljon, Raximova Xurshidaxon Sadikovna Sattarova Kamola. "PEDAGOGICAL AND EDUCATIONAL SYSTEM OF EDWARD SEGEN IN SPECIAL PEDAGOGY." *Confrencea* 3.03 (2023): 63-67.
11. Xolmatova, Z. A. "Methods Of Organization Of Project Activities In Future Teachers On The Basis Of Tutoring Skills." *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630) 7 (2021): 103-106.
12. Исакова, Арофат Махкамовна, and Юлдузхон Ахадовна Шакирова. "САМОПОНИМАНИЕ РЕБЕНКА В СИСТЕМЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ." *Интернаука* 19-2 (2020): 42-44.
13. Mahkamovna, Isaqova Arofat. "STAGES OF REJECTION OF INNOVATIVE PROCESSES IN EDUCATION." *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW* ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.11 (2022): 74-76.
14. Tuxtasinova, Munira Ibragimovna, and Nozima Erkinovna Abdullayeva. "INCREASING AND IMPROVING READING LITERACY.(PIRLS)." *INTERNATIONAL CONFERENCES*. Vol. 1. No. 1. 2023.
15. O'ghiloy, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Kurbanuva. "CHILDREN WITH LOCAL MOVEMENT DEFECTS." *Confrencea* 3.03 (2023): 226-230.
16. To'xtasinova, Munira Ibragimovna, and Maftuna Dadajon qizi Po'latova. "XALQARO BAHOLASH DASTURLARI (PIRLS) NING O 'QUVCHILAR SAVODXONLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI." *INTERNATIONAL CONFERENCES*. Vol. 1. No. 19. 2022.

17.Ibragimovna, Tuhtasinova Munira. "SCIENTIFIC-THEORETICAL AND PRACTICAL BASIS OF IMPROVING THE MECHANISMS OF USING INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS FOR INCREASING EDUCATIONAL EFFICIENCY (BASED ON THE PIRLS INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAM)." (2022).

